



## XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN VILOYATI KENGASHINING Q A R O R I

“ 28 ” ноябрь 2020 у.

Namangan shahri

74/13-06-sonli

### **Наманган вилоятида ташқи реклама объектларига ташқи рекламани жойлаштириш учун йиғимлар миқдорини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги “Ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 702-сон қарори ва 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сонли қарorigа ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан,

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Наманган вилоятида ташқи реклама объектларига (конструкцияларига) ташқи рекламани жойлаштириш учун ойлик йиғим миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари 2020 йил учун тузилган шартномалар бўйича мазкур қарор иловасига асосан тасдиқланган йиғимлар миқдорига мувофиқ кўшимча келишувлар тузилишини таъминласин.

3. Ташқи реклама объекти (конструкцияси)ларида жойлаштирилган рекламадан тушган тушумлар миқдори қуйидагича тақсимлансин:

а) 45 фоиз - ташқи реклама объекти (конструкцияси) жойлашган (ўрнатилган) туман (шаҳар) бюджетига;

б) 45 фоиз - Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш кўмитасининг бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига;

в) 10 фоиз - “Тасвирий ойна” ижодий уюшмасининг вилоят бўлимига;

4. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг ажратилган минтақаларида жойлашган ер участкаларида ва иншоотларида ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун ойлик тўловларнинг (йиғимларнинг)

60 фоизи миқдорида вилоят ҳокимлигининг молия бош бошқармаси ҳузуридаги автомобиль йўллари ривожлантириш мақсадли жамғармасига, 40 фоизи миқдорида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасини ривожлантириш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилиши инobatга олинсин.

5. Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташқи реклама объектларида (конструкцияларида) миллий байрамлар, хорижий давлатлар раҳбарларининг давлат ташрифлари ва бошқа давлат тадбирларига оид ижтимоий рекламаларни жойлаштириш мазкур объект эгаси розилиги билан туман (шаҳар) ҳокими қарорига биноан аниқ муддати белгиланган ҳолда амалга оширилади. Бунда, тадбиркор томонидан ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқи учун тўланиши белгиланган ойлик йиғим миқдори ҳоким қарорига биноан жойлаштирилган кунларга мутаносиб равишда камайтирилади.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ, реклама тарқатувчилар реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг 5 фоизидан кам бўлмаган ҳажмда ижтимоий рекламани ахборотни жойлаштириши шарт, бунда фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан тўлик ёки қисман молиялаштирилдиган реклама тарқатувчилар ижтимоий рекламани ахборотни бепул жойлаштирилиши инobatга олинсин.

7. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ўзлари қабул қилган ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштиради.

8. Наманган вилояти ҳокимининг 2017 йил 4 ноябрдаги 793-сон ва 2019 йил 8 февралдаги 79-сон қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклансин.

Сессия раиси



О. Маматкаримов

**Наманган вилоятида ташқи реклама объектлари (конструкциялари) ни жойлаштириш бўйича  
ойлик йиғим  
МИҚДОРЛАРИ**

№	Т/р	Ташқи реклама воситалари турлари	белгиланган минимал йиғим, 1 кв.м./сўм	ташқи реклама воситалари учун ойлик йиғим миқдори, 1 кв.м./сўм				
				Наманган шаҳри	Бошқа туманлар	халқаро аҳамиятга эга барча автомобиль йўллари	Қишлоқлар (посёлкалар)	Қишлоқ жойлари
<b>А) ЕР УЧАСТКАЛАРИДА ЎРНАТИЛГАН АЛОҲИДА ТУРУВЧИ КОНСТРУКЦИЯЛАР</b>								
1	1	кичик форматдаги (2,19 кв. метргача)	2 400	4 800	3 840	2 400	3 600	3 600
2	2	ўрта форматдаги (2,2 дан 12 кв. метргача)	2 400	4 800	3 840	2 400	3 600	3 600
3	3	кагга форматдаги (12 дан 18 кв. метргача)	2 400	4 800	3 840	2 400	3 600	3 600
4	4	ўта кагга форматдаги (18 кв. метрдан ортиқ)	2 400	4 800	3 840	2 400	3 600	3 600
5	5	махсулот, иш ва хизмат намўнаси	2 400	4 800	3 840	2 400	3 600	3 600
6	6	ҳажмли-фазовий қурилма	7 000	14 000	11 200	7 000	10 500	10 500
7	7	призмагрон	5 000	10 000	8 000	5 000	7 500	7 500
8	8	ёруғли конструкциялар	7 000	14 000	11 200	7 000	10 500	10 500
9	9	ёруғли скроллер, югурувчи сатрлар	7 000	14 000	11 200	7 000	10 500	10 500
10	10	ёруғли-диодли мониторлар (видео экранлар)	20 000	40 000	32 000	20 000	30 000	30 000
11	11	байроқли рекламалар тўплами (композиция)	2 400	4 800	3 840	2 400	3 600	3 600
12	12	реклама модулига эга кўрсаткичлар	2 400	4 800	3 840	2 400	3 600	3 600
13	13	умумий майдони 3 кв. метрдан ортиқ афиша деворлар	2 400	4 800	3 840	2 400	3 600	3 600
<b>Б) БИНОЛАР, ИНШОТЛАР ВА ҚУРИЛМАЛАРДАГИ РЕКЛАМА КОНСТРУКЦИЯЛАРИ</b>								
14	1	бинонинг ташқи қисмида жойлаштирилган кичик конструкциялар	2 400	4 800	3 840	2 400	3 600	3 600
15	2	майдони 2 кв. метр ва ундан ортиқ бўлган йирик конструкциялар	2 400	4 800	3 840	2 400	3 600	3 600
16	3	биноларнинг том қисмларидаги конструкциялар	2 400	4 800	3 840	2 400	3 600	3 600
17	4	девор панноси	2 000	4 000	3 200	2 000	3 000	3 000
18	5	ёруғли реклама конструкциялари	7 000	14 000	11 200	7 000	10 500	10 500
19	6	проекцияли узатма	7 000	14 000	11 200	7 000	10 500	10 500
20	7	вitraжлар	2 000	4 000	3 200	2 000	3 000	3 000
21	8	маркизлар	2 000	4 000	3 200	2 000	3 000	3 000
22	9	электр экранлар (видео экранлар, «югурувчи сатрлар» дисплейлари ва бошқалар)	15 000	30 000	24 000	15 000	22 500	22 500
23	10	ёруғли диодли медиафасадлар	7 000	14 000	11 200	7 000	10 500	10 500
24	11	павильонлардаги конструкциялар	2 000	4 000	3 200	2 000	3 000	3 000
25	12	кўча мебели, хусусан, реклама модули ўрнатилган ўриндиқлар	2 000	4 000	3 200	2 000	3 000	3 000
26	13	майдонли тўсиқлардаги конструкциялар	2 000	4 000	3 200	2 000	3 000	3 000
27	14	кўприкларда, йўл ўтказгичлар, қувур линиялари, ёритиш тирмақларида ўрнатилган конструкциялар	2 000	4 000	3 200	2 000	3 000	3 000
<b>В) ТАШҚИ РЕКЛАМА ВАҚТИНЧАЛИК ОБЪЕКТЛАРИ (КОНСТРУКЦИЯЛАРИ)</b>								
28	1	қурилиш майдончаларидаги 2 кв. метр ва ундан кўп бўлган вақтинча реклама тўсиқлари	2 000	4 000	3 200	2 000	3 000	3 000
29	2	алоҳида турувчи ва ёруғли кронштейнлар	7 000	14 000	11 200	7 000	10 500	10 500
30	3	2 кв. метр ва ундан кўп бўлган умумий овқатланиш ва савдо нуқталаридаги реклама	2 000	4 000	3 200	2 000	3 000	3 000
31	4	вақтинча турдаги киосклар ва павильонлардаги реклама	2 000	4 000	3 200	2 000	3 000	3 000
32	5	плакатлар, чодирлар, соябонлар, каноplar, байроқлар, осма байроқлар, елканли байроқлардаги реклама	2 000	4 000	3 200	2 000	3 000	3 000
33	6	ностандарт шаклдаги конструкциялар	2 000	4 000	3 200	2 000	3 000	3 000
34	7	промоқурилмалар	2 000	4 000	3 200	2 000	3 000	3 000